**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**“Шарқ мусиқаси”** факультети

**“ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИДА ИЖРОЧИЛИК”** КАФЕДРАСИ

**АБДУЛЛАЕВ ЖАВЛОН**

# “Урма зарбли чолғулар ансамбли учун Ж.Бизенинг “Кармен” операси Муқаддимаси таҳлили”

“5150700 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)” йўналиши

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Илмий-ижодий раҳбар:

**доцент И.И.Икромов**

**Тошкент-2016**

**Мавзу: “Урма зарбли чолғулар ансамбли учун Ж.Бизенинг “Кармен” операси Муқаддимаси таҳлили”.**

**Р Е Ж А:**

**КИРИШ**

**I. БОБ. Урма зарбли чолғулар ансамбли шаклланишида дойрачи санъаткорлар фаолияти.**

**I.БОБ.1 Урма зарбли чолғулар учун яратилган ўқув адабиётлари хусусида.**

**I.БОБ.2. Урма зарбли чолғулар ансамбли учун репертуар танлаш бўйича тавсиялар.**

**II.БОБ. Ўзбекистон давлат консерваторияси урма зарбли чолғулар синфи фаолияти.**

**II. БОБ. 1. Таниқли Ўзбекистон дойрачи санъаткорлари.**

**II.БОБ. 2. Урма зарбли чолғулар ансамбли учун Ж.Бизенинг “Кармен” операси “Муқаддима”си таҳлили.**

**ХУЛОСА**

**ИЛОВА**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

# КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги**. Ўзбек мусиқа маданияти Шарқ мусиқа маданиятига мутаносиб тарзда кўп асрлик узоқ йўлни босиб ўтди. Бугунги кунда ёш авлодни миллий мафкурамиз руҳида тарбиялаш ҳамда санъат ва бадиий ижод орқали ёшларнинг манъавий дунёсини шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мусиқий таълим ва тарбия назарияси ҳамда амалиёти бутун маданиятимиз билан чамбарчас боғлиқ. Инсоният маданиятининг бошқа соҳаларида бўлганидек, мусиқада ҳам унинг тараққиёт босқичларини ўрганиш жараёнида муҳим хусусиятлар ва қонуниятлар ёрқин намоён бўлади. Ўзбекистоннинг буюк давлатга айланишида таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, ёшларни замонавий илм-фан, маданият, техника ютуқлари билан мунтазам таништириб бориш катта аҳамият касб этади. Чунки келажак тақдирини маънавий жихатдан етук, иродаси бақувват, замонавий фикрлайдиган юксак салоҳиятга эга кадрлар ҳал этади. Илм-фан, маданият, маърифат ҳар қандай мамлакатни юксакликка кўтаради, унинг тараққиётини таъминлайди, энг муҳими илм-маърифат инсонни комиллик сари етаклайди. Таълим-тарбияга аҳамият бериш – бу келажак ҳақида қайғуриш, юрт ва халқ истиқболини ўйлаш демакдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ҳукумати мустақилликнинг илк йиллариданоқ таълим-тарбияга алоҳида аҳамият бериб, миллий кадрлар тайёрлашни замон талаблари даражасига кўтариш масаласига жиддий эътибор билан қараб, “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Қонунларини (1997 йил, 29 август) қабул қилди. Ўтган давр мобайнида тўпланган ижобий ишлар, ютуқлар, тажрибаларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун республикамизда мусиқий таълим ва тарбия, ижрочилик мактабларининг шаклланиши, ўқув дарсликларининг бу ишдаги ўрни ҳақида имконятимиздан келиб чиқиб ўрганиб, мулоҳаза юритиб таклифлар белгилаймиз. Таниқли созанда, хонандалар ижроси, композиторлар ижоди ва бугунги кундаги ёшларнинг санъат йўналишидаги, жумладан урма зарбли чолғулар ансамблининг ижобий фаолиятлари, турли танловлардаги иштироки, ўрни ва вазифалари, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаларининг мусиқий ижрочилик орқали таълим-тарбияга оид ишлар юзасидан фикр билдирамиз.

**Диссертациянинг мақсад ва вазифалари**. Халқимизнинг санъатга бўлган қизиқиши, санъатнинг бирор турини (хонанда, созанда) эгаллаш учун ҳаракат қилиши сўнгги йилларда авж олди, ўсди, ривожланди. Чунки ҳақиқий қўшиқ, куй – кўнгил мулки, ички туйғу, дил изҳори сифатида яратилишидир. Мазмунли қўшиқ, куй ёшларни ватанпарвар, элпарвар қилиб тарбиялашда таъсир кучи катталиги эътиборга моликдир. Шунинг учун ушбу воситалардан самарали фойдаланиш, уни ривожлантириш, биз каби ёш истеъдодларни

тарбиялаб вояга етказиш, тўпланган тажрибаларни танқидий ўрганиб, тарғибот қилиш асосий мақсад ва вазифаларимизни ташкил этади.

**Мавзунинг янгилиги.** Урма зарбли чолғулар ансамбли фаолияти кам ўрганилган соҳа. Урма зарбли чолғуларда ижро қилиш, турли шаклдаги ансамбллар ташкил этиш йўллари Ўзбекистон давлат консерваторияси “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси таркибидаги урма чолғулар синфи дарсларида самарали олиб борилишида устоз-ўқитувчиларнинг фаолиятларини таҳлил этиш, дарс ва дарсдан ташқари вақтда ўтказиладиган бадиий кечалар, мусиқавий тадбирларнинг талабалар онгига таъсири, тарбиявий аҳамияти ўрганилади, ижобий ишларни кенг ёйиш ҳақида тавсиялар берилади.

**Тадқиқот предмети.** Ўзбекистон давлат консерваторияси “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси урма чолғулар синфи фаолияти.

**Тадқиқот объекти.** Ўзбекистон давлат консерваторияси “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси урма чолғулар синфи дарс машғулотлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, синф дастурлари, дарсдан ташқари мусиқали тадбирлар самараси.

**Диссертациянинг тузилиши.** Кириш, икки боб, тўрт параграф, хулоса, таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Бажарилиши кутилаётган тадқиқот ишлари режаси.**

1. Мавзу бўйича барча маълумотларни тўплаш;
2. Мавзуга оид адабиётлар, мақолалар, илмий ишлар бўйича маълумотларни илмий назарий жиҳатдан ўрганиб чиқиш;
3. Ижрочиликда асосий ҳисобланган тиниқ, ритмик мукаммал товуш ҳосил қилиш, ансамбл бўлиб ижро йўлларини амалий изланишлар орқали ўрганиш;
4. Маҳаллий услуб ва воҳаларга хос ижро хусусиятларини тадқиқ этиш;
5. Қадимда маълум бўлган ижрочилик услублари атамаларини таҳлилий ўрганиш ҳамда ҳозирги услублари билан таққослаш.

# I. БОБ. Урма зарбли чолғулар ансамбли шаклланишида дойрачи санъаткорлар фаолияти.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда униб-улғайиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, интеллектуал салоҳиятини юксалтириши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Биринчи Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда яқинда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ёшларда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини қарор топтиришда, уларни турли маънавий таҳдидлардан, “оммавий маданият” таъсиридан ишончли ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб, янги – 2017 йил мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”, деб эълон қилингани биз, ёшларни ҳам янада фаол бўлишга, ишимиз самарадорлигини оширишга ундайди. Биз каби ёшлар билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини эшитиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак бериш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Санъат таълими ривожига доир эзгу интилишлар натижасида бугун замонавий мусиқа ва санъат мактаблари қад кўтарди ва яна янги вазифалар белгиланди. Уларда ўғил-қизларнинг пухта таълим олиши, юртимиз ва жаҳон бастакорлари ижодининг энг сара намуналаридан баҳраманд бўлиши учун барча шароит яратилган. Мамлакатимизда анъанавий ўтказилаётган “Шарқ тароналари”, “Ягонасан, муқаддас Ватан!”, “Тошкент баҳори”, “Наврўз садолари!” каби нуфузли ижодий лойиҳалар истиқлол йилларида ўзбек мусиқа санъати равнақи йўлида қўлга киритилган натижаларни атрофлича таҳлил ва сарҳисоб этиш, бу соҳада халқаро ҳамкорликнинг янги уфқларини белгилашда катта роль ўйнамоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари

вазирлиги, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган "Куйла, ёшлигим", "Юлдузча", "Ёшлик парвози" каби лойиҳалар навқирон авлоднинг миллий санъатимизга бўлган меҳрини кучайтириш, мусиқа орқали уларда Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат, ибратли анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғусини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёш мусиқачиларимизнинг юксак ижро маҳорати, ижодий салоҳияти нечоғли юксак эканини мухлисларнинг тинимсиз олқишларидан сезиш мумкин. Халқ чолғуларимиз қаторида дойра чолғуси ҳам алоҳида ўринга эга. Дойра ижрочилик тарихини кузатиш шуни кўрсатадики, хар бир даврда дойра ижрочилик санъатининг фидойилари бўлган. Улар бу борада илмий, назарий, амалий ва ижтимоий жихатдан муносиб ҳисса қўшган. Айниқса, уста Олим Комилов (1875-1953), Тўйчи Иноғомов (1914-1986), Ғофур Азимов (1917-1981), Дадахўжа Соттихўжаев (1921-1991), Қахрамон Дадаев (1936-2013), Одил Камолхўжаев (1944-2015) каби устозларнинг ва замондошларимиз Талъат Сайфутдинов, Рустам Убайдуллаев Комилжон Хакимов, Элмурод Исломов, Дилмурод Исломов, Холмурод Исломов, Хусан Носиров, Хасан Азимов, Илхом Икромов, Рахматулла Самадов, Алишер Юлдашев кабиларнинг дойра ижроси ривожидаги ҳиссалари катта.

В.Беляев, Т.Визго, А.Петросянц, Ф.Кароматов, И.Ражабов каби олимларимизнинг тадқиқотларида ҳам дойра ижрочилигининг назарясига доир муайян фикр мулохазалар билдирилган. А.Петросянц (1910-1978) “Дойра ижро мактаби” асарида тўрт чизиқли дойра усуллари нотасини асослаб берди.

## I.БОБ.1 Урма зарбли чолғулар учун яратилган ўқув адабиётлари хусусида.

Урма зарбли чолғулар учун яратилган адабиётлар таҳлилига ўтишдан аввал Дойра ҳақида маълумот бериб ўтмоқчимиз. Халқ чолғуларинннг пайдо бўлиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мусиқачиликда дастлаб урма зарбли чолғулар пайдо бўлган. Булар Ноғора, чиндовул, чилдирма, довул ва дойралардир. қадим замонлардан то ҳозирги давримизгача етиб келган дойра чолғуси ўзгармаган ҳолда сақланиб келмоқда.

**Дойра** (ўзб. дапп, чилдирма, чирманда) – ўзбек, тожик ва уйгур халқлари орасида кенг тарқалган, товуш баландлиги ноаниқ урма чолғусидир. Диаметри тахминан 400 мм, гардиши илгарилари узум зангидан қилинган, сўнгги

вақтларда ёғочни эгиб ёки кичик ёғоч бўлакчаларини бир-бирига улаб ясалмоқда. Дойра гардишига бузоқ ёки балиқ териси қопланади қирқдан ортиқ ҳалқачалар тақилиб, булар дойрани чалганда қўшимча садо беради. Дойрага қопланадиган терининг барча хусусиятларини назарда тутган ҳолда, уни ҳам уч гуруҳга бўлиш мумкин:

· қалин терили;

· ўрта терили;

· юпқа терили.

Дойра қоплаш жараёнида оғир гардишга қалин тери, ўрта гардишга ўрта тери, енгил гардишга юпқа тери қоплаш мақсадга мувофиқдир.



**ДОЙРА ЧОЛҒУСИНИНГ ИЧКИ КЎРИНИШИ**

Дойра гардиши ички томонига унинг диаметрига қараб, 70-80 ва ундан ортиқ металл ҳалқачалар ўрнатилади. 14-15 га яқин битталик ёки учталик безак балдоқлари михланади. Гардишнинг терига туташган ички томони дойра зарбларини бўғмаслиги учун бир оз ёйсимон йўнилган бўлиши лозим.



Дойрада иккита асосий товуш бор. Бири паст «бум» (Хоразмда «гуп»), иккинчиси баланд «бак» (Хоразмда «тоқ«) деб юритилади. Кетма-кет келган иккита қисқа товуш «бакко» ёки «бачка» («так-так») ёки («бака» «така») деб юритилади. Дойра кенг тарқалган чолғулардан бўлиб, унда турли ансамбл, оркестрларда ҳамда, якка ҳолда ижро қилинади. Дойра жўрлигидаги рақслар ўзбек ва тожик халқлари орасида жуда кенг тарқалган. Дойра товушлари нотада икки чизиққа ёзилади.

Ривоят қилишларича, қадим ўтган замонда бир Жарчи даракчи бўлган экан. Агар бирон хонадонда тўй-томоша бўлса, у тўйхона эгасидан рухсат олиб, от миниб, даҳа ва кўчаларга бирма-бир кириб, тўйдан дарак берар экан. Кунлардан бир куни даҳадаги катта бир бойнинг тўйига дарак сола туриб, овозига бор кучини бериб, товуши бўғилиб қолибди. Ана шунда унга дойра кўмакка келибди. Ва шу-шу даракчи уни қўлига олиб, «бака-бум»лаб, қанча даҳаларни айланмасин, асло ҳоримайдиган бўлибди. Халойиқ эса эшигу дарчалардан мўралаб, унинг чақириқларига қулоқ тутаркан. Йигит-қизлар бу жозибали соз оҳангларига қўл кўтариб, ер тепиниб, рақсга тушибдилар ва бундан ўзлари ҳам завқ-шавққа тўлибдилар. Шундай қилиб, дойра — байрамлар, шодиёналар, тўйлар даракчисига айланибди.

Дойра - ўзбек мусиқий ижрочилигида усул берувчи энг асосий чолғу ҳисобланади, нафақат ансамбл ёки оркестр ижросини, ҳатто кўпгина якка чолғучилар ижросини ҳам усуллар орқали бойитади, тинглашга жозиба қўшади. Бундан ташқари, дойра Ўзбекистонда энг кўп тарқалган мусиқий чолғулардан биридир. Бизгача етиб келган маълумотларга кўра жўрнавоз зарбли соз

сифатида оммалашган дойра хам ўзининг ривожланиб келаётган миллий оҳангларга бой зарб ва усуллари билан халқ орасида шуҳрат қозонган.

Бу чолғу ўзбек ва тожикларда “дойра” , “чирманда”, “чилдирма”, “дол” арманларда “даф”, Эрон ва Мисрликларда “дафф”, Озарбайжонларда “дэф”, “дойра”, “чавал”, айрим Шарқ мамлакатларида “даби” ва бошқа номлар билан кенг тарқалган. У аниқ бир баланд товушга эга бўлмаса ҳам, хилма-хил овоз тембр ва динамик имкониятларга эга. Шунингдек, дойра “ноғора”, “қайроқ”, “сафоил”, “Резноғора”, “дул” каби уриб чалинадиган чолғу асбоблари туркумига мансубдир. Умуман дойра турлари бир-биридан катта-кичиклиги, таркибий қисмларининг тузилиши, ижрочилик услублари билан фарқ қилади. Буларга Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё-Қашқадарё, Фарғона,Тошкент дойра ижрочилик услубларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Абу Наср Форобий (X аср) “Китоб ал- мусиқа ал-кабир” (Мусиқа ҳақида китоб) асарида дойра ва дойра усуллари ҳақида ғоят қимматли маълумотлар берган. Сафиуддин Урмавий (XIII аср) “Китоб ал-адвор” (Мусиқий дойралар китоби) асарида дойра усулларининг ўн икки мақом мусиқа ижрочилигида муҳим ўрин тутиши тўғрисида фикр юритган. Абдураҳмон Жомий (XV аср) “Рисолаи мусиқий” (Мусиқа рисоласи) асарида дойра усуллари турлари ҳақида ёзган. Дарвеш Али Чангий-Бухорий (XVII аср) “Рисолаи мусиқий” (Мусиқа рисоласи) асарида дойра усуллари ва униг машхур ижрочилари тўғрисида маълумотлар берган. Бу ноёб манбалар дойра ижрочилик тарихини ўрганиш учун муҳим ҳисобланади. Дойра ижрочилик тарихи қадим илдизларга эга ва бу маълумотларни Марказий Осиёда яшаб, ижод этган олимларимизнинг мусиқага оид рисолаларида, шунингдек XX асрдан бошлаб олиб борилган илмий тадқиқотлардан билиб олиш мумкин.

Дойрачилар бошқа урма зарбли чолғуларда ҳам ижро қилиш малакаларини эгаллайдилар, жумладан ноғора чолғуси.

**Ноғора** - уриб чалинадиган ўзбек халқ чолғуларидан. Ноғора сополдан ясалиб, устига эчки ёки кийик териси қопланади. Ноғоранинг кўпинча иккитаси чалинади; ҳажми жиҳатидан биринчиси иккинчисига нисбатан кичикроқ бўлади. Ноғора маълум бир созга эга бўлмай, шунга кўра, товуши ҳам аниқ бир баландликда эмас. Ноғоралардан биринчиси (кичиги) - бак, яъни баланд, иккинчиси - бум, яъни паст товуш беради. Ноғора олов ёки офтобда қиздирилиб, товуши баландлаштирилади. Турли байрам, сайил ва кўпчилик тўпланган йиғинларда катта ноғора ишлатилади. Буни - ***кўс*** ноғора деб аташади.

Ноғора тувакларининг тери тортилган қисмига махсус чўплар билан уриш натижасида мусиқий усул ҳосил қилинади. Ноғоранинг садоси жуда кучлилиги учун ҳам ундан фақат очиқ ҳавода ижро этиладиган карнай-сурнай, дойра чолғулари билан биргаликдаги ансамбл таркибида фойдаланилади. Ноғорада асосан иккита товуш (бак ва бум) бўлгани учун ҳам унинг ноталари бир чизиқда ёзилади.

Расм қўйиш

Мусиқа соҳасида, Ўрта Осиё ва Шарқ халқлари қатори, ўзбек усуллари, яъни ритмик  йўллари ва уларнинг ривожланиш усуллари алоҳида ўрин эгаллайди. Усуллар қоида бўйича уриб чалинадиган мусиқа чолғулари ижросида қўлланилади. Энг кўп тарқалган урма зарбли мусиқа чолғуларидан, Ўзбекистонда, Тожикистонда ва Уйғур халқлари, шу билан бир қаторда, Шарқда ўзининг ширали овозига эга бўлган, мусиқа чолғуси дойра ҳисобланади.

Дойра ибораси баъзан «Дапп», «Чилдирма», «Чирманда» деб юритилади. Хоразмда дапп, чилдирма ижрочини эса “Даппчи”-чилдирмачи деб айтадилар, Бухорода дойрадац, Фарғонада чирмандачи, Самарқанда эса дойрачи деб юритилади.

Ўзбек халқи қадимдан дойра  чолғусиини жуда ардоқлаб келган. Ўтмишда бу чолғу садолари остида халқни майдонларга, тўй-томошаларга, мусобақа курашларга ва ҳар-хил сайилларга чақирганлар. Жумладан: "Ҳосил байрами", "Узум сайли", "Қовун сайли" каби мавсумий байрамлар кенг тарқалган.

Байрамларда, маданий маросимларда айниқса карнай, сурнай ва ноғора, дойра каби урма зарбли мусиқа чолғулари кенг қўлланилган. Халқ чолғуларини ўрганиш соҳасида буюк Шарқ мутафаккирларининг мероси тарихий аҳамиятга эга. М.: Абу Наср Муҳаммад Фаробийнинг машҳур асари "Мусиқа ҳақида катта китоб" ("Китоб ал-мусиқа, ал-кабир").  Ўрта аср олими бу китобдан икки хил мусиқа ижрочилиги: оҳангни инсон овози (қўшиқ санъати) ва чолғулар воситаларида қайта тиклашга ажратади.

Дарвиш Али ўз даври (XVII аср) да мавжуд бўлган чолғу ансамбллари ва уларнинг ижрочилари ҳақида маълумот берган. Саройда 60 чолғучидан иборат ансамбл бўлган. «Ноғора хона» деб аталган 60 кишилик чолғучилар ансамблини ноғорачи бошқарган. Дарвиш Али мисол тариқасида шундай далилни келтиради:

«Султон Ҳусайин саройида ансамблнинг раҳбар-меҳтар вазифасини ноғорачи Сайид Аҳмадбин меҳтарий Мироқий бажарган. «Ноғора хона» ноғора ва дамли мусиқа чолғуларида куй чалаётган пайтда ижрочилар жойлашган хона кўзда тутилади.

Бизнинг республикаимизда дойра ижрочилиги ва ритмик усулларини дунёга машҳур қилишда ўз ҳиссасини қўшган Уста Олим Комиловнинг бой мероси авлодлар учун катта мактаб вазифасини ўтаб келмоқда. Машҳур дойрачилар Тўйчи Иноғомов, Ғофур Азимов, Ғофур Иноғомов, Раҳим Исахўжаев, Қаҳрамон Дадаев, Эвнер Бараев, Равшан Акбарбеков, Одил Камолхўжаев, Дадахўжа Соттихўжаев ва бошқалар устанинг анъаналарини давом эттирдилар. Муҳим тарихий манба тариқасида И.Акбаровнинг Уста Олим Комиловдан ёзиб олинган «Дойранинг зарблари» тўпламини ммнуният билан эслаш лозим. Шунингдек, ушбу чолғу учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш устида ишлар олиб борилиши ҳам катта аҳамият касб этади. Масалан: Тошкент Давлат консерваторияси доценти, Ўзбекистон республикаси маданият ходими А.ХЛивиев "Дойра учун этюдлар" тўпламини; Сам.ДУ. мусиқа факультети доценти Я.Ҳаққулов "Дойра учун пъесалар"; А.Расулов номидаги Самарқанд санъат коллежи катта ўқитувчиси Аслиддин Сирожев "Дойра учун пьесалар”; А.Ашрафхўжаев "Дойра синфи бўйича хрестоматия"; ТДМИ доценти О.Камолхўжаев “Дойра” дарслиги; ЎзДК доцентлари А.Юлдашев “Дойра”, “Дойра ижрочилигида устоз мақоми”; И.Икромов “Дойра ва урма зарбли чолғулар ансамбли учун” ўқув адабиётлари яратдилар. Бугунги кунда ўз тажрибаларидан келиб чиқиб ўқув услубий қўлланмалар яратиш давом этмоқда. Айниқса ёш дойра ижрочилари маҳоратларини ошириш мақсадида турли ҳажм, усул ва услубдаги этюдлар, машқлар нашр эттирилиши ижобий натижа бермоқда.

Дойра чолғусида ижро этишни ўрганиш масалалари кўпгина ўқув адабиётларда ёритилганлигини эътироф этиш лозим. Жумладан: А.Петросянц “Дойра дарслиги”, Ш.Фахриев “Дарси дойра”, О.Камолхўжаев ва А.Ливиев “Дойра дарслиги”, И.Икромов “Дойра дарслиги”, “Дойра учун этюдлар”, А. Юлдашев “Дойра жилолари", О.Камолхўжаев “Усул ва куй”, И.Икрамов ва А.Лутфуллаевларнинг “Дойра”, Н.Рахматовнинг БМСМ учун яратган “Дойра” ўқув қўлланмаларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ушбу адабиётларда тўпланган маълумотлар, келтирилган машқлар, муаллифларнинг педагогик ва ижрочилик фаолиятларига таянган сабоқлар ҳозирги кунларда ҳам ўз услубий қимматига эга. Мазкур ўқув адабиётлари ёш авлод ўқитувчилари ва талабаларнинг диққатига тавсия этилиши мумкин.

## I.БОБ.2. Урма зарбли чолғулар ансамбли учун репертуар танлаш бўйича тавсиялар.

Дойрачилар ансамбл бўлиб ижро қилиш малакаларини эгаллашлари учун аввало якка дойрада ижро қилишни пухта эгаллашлари тавсия этилади. Ижрочилик пойдевори мусиқа мактабларидан бошланиб, ўрта махсус мусиқа ўқув юртлари ва олий таълимда давом эттирилади. Шунинг учун қуйида дойрада ижро этиладиган асарлар рўйхати тегишли қисмларга ажратиб, намуна сифатида келтирилмоқда. Асарларнинг нота матнлари, яратилган кўплаб дарслик ва тўпламларда, шу билан бирга турли тўпламларда, хрестоматияларда нашр қилинган. Лекин, ўзбек халқ куйлари ва бастакорларнинг дойра жўрлигида ижро этиладиган асарлари ҳамда шашмақом ва мақом йўлида чалинадиган куйларнинг нота матнлари мавжуд бўлмай, уларнинг магнит тасмаларига ёзилган намуналари Республика радиоси олтин фондида сақланмоқда. Улар созандалар томонидан чолғу куйлари сифатида ҳам якка созларда севиб ижро этилади. Нота матнлари бўлмасада, созандалар томонидан доимий ижро этиб келинаётган асарлар ҳам ушбу рўйхатга киритилди. Бу асарлар ЎзДК урма зарбли чолғулар синфида ўрганилади, ўзлаштирилади ва шундан сўнг ансамбл бўлиб ижрога ўтилади. Асарлар синфда ўрганилиб, турли мавзудаги тадбирларда ижро этилиб тажрибадан ўтказилган, тинговчилар олқишига эришган асарлардир.

### I. Ўзбек халқ куйлари

1. Қашқарча.
2. Яллама ёрим.
3. Андижон полькаси.
4. Ёввойи Тановар.
5. Қари наво.
6. Фарғонача.
7. Фарғонача рез.
8. Алиқамбар.
9. Шароб I.
10. Гулбаҳор ва Тановар.
11. Дилхирож.
12. Уфори санам.

13. Роҳат.
14. Галдир.
15. Сояи.
16. Ҳожиниёз I-II-III.
17. Муножот I-II-III.
18. Адолат Тановари.
19. Курд.
20. Ёлғиз.
21. Қайтарма.
22. Норим-норим.
23. Шафоат.
24. Эй, чеҳраси тобоним.
25. Гиря I-II.
26. Кўча боғи I.
27. Сабоҳ.
28. Ражабий.

**II. Бастакорлар ижодига мансуб (дойра жўрлигида) ижро этиладиган асарлар**

1. А.Бобохонов – «Хуррам»
2. А.Бобохонов – «Феруза»
3. А.Бобохонов – «Бухоро гўзали»
4. М.Мирзаев – «Интизор этма»
5. М.Мирзаев – «Гулноз»
6. М.Мирзаев – «Орзу дил»
7. М.Мирзаев – «Дил куйласин»
8. М.Мирзаев – «Эй гул»
9. М.Мирзаев – «Гулрух»
10. М.Муртазоев – «Таманно»
11. М.Муртазоев – «Бир ишва билан»

12. М.Муртазоев – «Фарғона тонг отгунча»
13. Ф.Содиқов – «Бўл менга маҳбуб»
14. Ф.Содиқов – «Кўрсатмагай»
15. Ф.Содиқов – «Гул фасли»
16. Ф.Содиқов – «Фаввора»
17. Т.Жалилов – «Бизнинг айвон»
18. Т.Жалилов – «Ўргилай»
19. Т.Жалилов – «Ўйнасин»
20. Т.Жалилов – «Гулистоним менинг»
21. К.Жабборов – «Наззора қил»
22. К.Жабборов – «Этмасмидим»
23. К.Жабборов – «Бу кўнгул»
24. Ж.Султонов – «Гулузорим қани»
25. Ж.Султонов – «Оҳ ким»
26. Ж.Султонов – «Ўлмасун»
27. Ж.Султонов – «Найлайин»
28. Ў.Тошматов – «Осмондаги юлдузни»
29. Ў.Тошматов – «Гулжамол»
30. Ў.Тошматов – «Кезарман»
31. О.Ҳотамов – «Қаро бўлибдур»
32. О.Ҳотамов – «Бизни шайдо»
33. Ю.Ражабий – «Эшвой»
34. Ю.Ражабий – «Куйгай»
35. Ю.Ражабий – «Тўлқин»
36. Ф.Мамадалиев – «Кетсам агар»
37. Ф.Мамадалиев – «Кўнгил»
38. А.Исмоилов – «Тонг»
39. А.Исмоилов – «Ойбулоқ»
40. Ҳ. Абдулазиз Абдурасулов – «Қўшчинор»

41. Ҳ.Абдулазиз Абдурасулов – «Гулузорим»

42. Р.Турсунов – «Шаҳло»

43. Р.Турсунов – «Шўхи пари»

44. М.Левиев – «Ғайратли қиз»

45. М.Левиев – «Ўрик гуллаганда»

46. С.Йўлдошев – «Ором»

47. Г.Рўзибоев – «Феруза»

48. Н.Хасанов – «Табриклайман»

49. М.Ниёзов – «Раъно ўйнасин»

50. Д.Зокиров – «Эй сабо»

51. Х.Тўхтасинов – «Билиб бўлмас»

52. С.Калонов – «АрмуҚоним»

53. С.Тўхтасинов – «Айлагач»

54. Ф.Содиқов – «Ўзбекча вальс»

## III. Фортепиано жўрлигида ижро этиладиган ўзбек композиторлари асарлари

1.Ўзбек халқ куйи – «Дутор баёти» Ф.Васильев, Э.Шукруллаев қайта ишлаган.

2.Ўзбек халқ куйи – «Чаманда гул». Б.Гиенко қайта ишлаган, Ф.Ибрагимов қашқар рубобига мослаштирган.

3.Ўзбек халқ куйи – «Бўғмача билагим». Р.Ибрагимов нотага олган ва қайта ишлаган.

4.Афғон халқ куйи – «Жалолобод». Ф.Ибрагимов иккита рубоб ва фортепиано учун қайта ишлаган.

5.Уйғур халқ қўшиқлари асосида – «Қўшиқ ва рақс». Р.Ибрагимов қайта ишлаган.

6.Хоразм халқ куйи – «Қорадали». С.Ҳайитбоев қайта ишлаган.

7.С.Жалил қайта ишлаган – «Араб рақслари». А.Юргаев рубоб учун мослаштирган.

8.Уйғур халқ қўшиғи – «Она орзуси». Р.Қипчоқов қашқар рубоб ва фортепиано учун мослаштирган.

9.Ўзбек халқ куйи – «Шунисида бир гап бор». Э.Шукруллаев қайта ишлаган.

10. Тожик халқ куйи – «Найрез». Б.Гиенко қайта ишлаган

11. И.Акбаров – «Гуллола»

12. М.Левиев – «Оҳангарон»

13. Т.Азимов – «Дурдона»

14. Д.Зокиров – «Зайнаб ва Омон» операсидан «Рақс»

15. Д.Зокиров – «Кўрмадим»

16.Ф.Содиқов, Р.Глиэр – «Лайли ва Мажнун» операсидан «Рақс».

17. М.Саутов – «Қўшиқ ва рақс».

18. М.Мирзаев, В.Васильев – «Уйғурча қўшиқ ва рақс».

19. С.Ҳайитбоев – «Баллада».

20. М.Мирзаев – «Завқим келур».

21. М.Мирзаев – «Баҳор вальси».

22. М.Мирзаев – «Шодлик».

23. М.Мирзаев – «Янги тановор».

24. М.Мирзаев – «Марғилон қизлари».

25. Ф.Назаров – «Ёшлик».

26. Ф.Назаров – «Пахтаой».

27. Э.Шукруллаев – «Баҳор».

28. Ҳ.Раҳимов – «Наврўз».

29.Т.Жалилов – «Отмагай тонг» Р.Қипчоқов қашқар рубоби ва фортепиано учун мослаштирган.

30.Ж.Султонов – «Раққосасидан» Р.Қипчоқов қашқар рубоби ва фортепиано учун мослаштирган.

31. Қ.Комилов – «Наргиза».

32. Қ.Комилов – «Моҳим».

33. И.Раҳимов – «Сабо».

34. Н.Норхўжаев – «Ҳаракатда баракат».

35. Н.Норхўжаев – «Хиргойи».

36. С.Юдаков – «Теримчилар қўшиғи».

37. Қ.Қодиров – «Рақс».
38. Ҳ.Раҳимов – «Вальс».
39. Г.Собитов – «Рақс».
40. Ҳ.Раҳимов – «Тарона».
41. М.Бафоев – «Гуллар рақси», «Умар Хайём» операсидан.
42. Ф.Алимов – «Рақс».
43. Т.Жалилов – «Нурхон арияси». «Нурхон» мусиқали драмасидан. А.Юргаев қайта ишлаган.
44. С.Жалил – «Учта шарқона куй».
45. Н.Савинов, С.Калонов – «Қўшиқ ва рақс».
46. Д.Зокиров – «Жазоир».
47. М.Ашрафий – «Фарғонача рақс».
48. Г.Қўчқоров – «Гул Ғунча».
49. Г.Қўчқоров – «Интизор».
50. С.Карим-Хожи – «Ғазал».
51. М.Бафоев – «Поэма» қашқар рубоби ва фортепиано учун.

IV. **Шашмақом ва мақом йўлидаги куйлар**

1. «Наврўзи ажам».
2. «Ажам тароналари» I-II.
3. «Мушкулоти Дугоҳ».
4. «Мушкулоти Дугоҳ талқинчаси».
5. «Самои Дугоҳ».
6. «Таржеъ Наво».
7. «Таснифи Дугоҳ».
8. «Гардуни Дугоҳ».
9. «Наво», «Савти Наво», «Чархи Наво».
10. «Мухаммаси Бузрук».
11. «Мухаммаси Насруллои».
12. «Мухаммаси Баёт».

13. «Нағмаи Орази Наво».
14. «Сарахбори Дугоҳ» VI – таронаси.
15. «Ҳафифи Сегоҳ».
16. «Гардуни Сегоҳ».
17. «Насри Сегоҳ»
18. «Чапандози Баёт».
19. «Чоргоҳ» I-II
20. «Чапандози Муҳайяр».
21. «Мухаммаси ушшоқ».
22. «Садри Гусванд».
23. «Сегоҳ».
24. «Баёт».
25. «Чапандози Баёт»
26. «Дугоҳ Ҳусайний».

**V. Чет эл композиторлари асарларидан намуналар**

1. Н.Бакланов – «Хоровод».
2. М.Глинка – «Полька».
3. Л.Боккерини – «Менуэт».
4. М.Аҳмедова – «Она».
5. М.Ҳусайнли – «Жўжаларим».
6. Ф.Амиров – «Эрталаб» кинофильмидан «Аслан қўшиғи».
7. Ф.Гендель – «Прелюдия».
8. Ф.Шуберт – «Серенада».
9. С.Рахманинов – «Италянча полька».
10. Г.Артемовский – «Рақс».
11. В.Обер – «Танбурин».
12. А.Бобоев – «Чоргоҳ».

13. Н.Раков – «Прогулка» («Сайр»).

14. Н.Нариманидзе – «Давлури».

15. П.Чайковский – «Русча рақс».

16. В.Глюк – «Мелодия».

17. П.Чайковский – «Куз қўшиғи».

18. Э.Дженкинсон – «Рақс».

19. А.Хачатурян – «Вальс». А.Лермонтовнинг «Маскарад» драмасига ёзган мусиқасидан.

20. В.Глазунов – «Испанча серенада».

21. З.Палиашвили – «Лекури».

22. А.Аветисов – «Жок».

23. В.Монти – «Чардаш».

24. М.Огинский – «Полонез».

25. Н.Нариманидзе – «Грузинча рақс».

26. Ц.Кюи – «Тўхтовсиз ҳаракат».

27. М.Де Фалья - «Испанча рақс».

28. Ж.Бизе – «Кармен» операсига муқаддима.

29. А.Калинкин – «Украинча фантазия».

30. В.Моцарт – «Кичик серенада».

31. И.С.Бах – Ш.Гуно – «Аве Мария».

32. С.Алескеров – «Тўхтовсиз ҳаракат».

33. С.Алескеров – «Тарантелла».

34. В.Моцарт – «Рондо».

35. И.Брамс – «Венгерча рақс» № 2, № 5.

36. А.Герай – «Бахчакюрд».

37. Н.Римский-Корсаков – «Арининг парвози». «Шох Салтан ҳақида эртак» операсидан.

38. А.Хачатурян – «Қиличбозлар рақси».

39. Н.Паганини – «Венецианча карнавал».

40. С.Цинцадзе – «Сочидао».

41. С.Ҳамраев – «Ҳиндча рақс».
42. У.Ҳожибеков – «Рақс». «Гўрўғли» операсидан.
43. Е.Авксентьев – «Урал оҳанглари».
44. С.Туликов – «Каприччио».
45. В.Калинников – «Русча интермеццио».
46.М.Мусоргский – «Гопак». «Сорочинская ярмарка» операсидан.
47. П.Чайковский – «Романс».
48. Г.Ризаев – «Рапсодия».
49. Ф.Гендель – «Пассакалья».
50. А.Дворжак – «Юмореска».
51.В.Яковлев – «Концерт-фантазия». Куба оҳанглари асосида.
52. Э.Женкинсон – «Рақс».
53.Ж.Санале – «Адажио ва аллегретто». Соль минор сонатасидан.
54. И.Альбенис – «Астурия».
55. П.Сарасате – «Интродукция ва тарантелла».
56. К.Сен-Санс – «Интродукция ва рондо каприччиозо».

**VI. Йирик шаклдаги асарлар**

1. О.Ридинг – «Концерт» си минор. Скрипка ва фортепиано учун.
2. А.Вивальди – «Концерт» ля минор. Скрипка ва фортепиано учун учун.
3. И.С.Бах - «Концерт» ля минор. Скрипка ва фортепиано учун.
4. У.Ҳожибеков – «Фантазия № 2» I, II қисмлар. Тор ва фортепиано учун.
5. Ҳ.Ҳонмамедов – №1, №2, №3 Концертлар. Тор ва симфоник оркестр учун.
6. С.Алескеров - №1 Концерт. Тор ва симфоник оркестручун.
7. С.Алескеров – «Сонатина». Тор ва фортепиано учун.
8. В.Моцарт – «Соната №5». Скрипка ва фортепиано учун.
9. Ф.Гендель – «Соната №6». Скрипка ва фортепиано учун.
10.П.Сарасате – «Концерт-фантазия» Ж.Бизенинг «Кармен» операси мавзулари асосида.

11.П.Чайковский – «Рококко» темасига вариация. Виолончель ва фортепиано учун.

12. Н.Паганини – «Каприс № 24».

13. Ф.Лист – «Венгерча рапсодия» № 2, № 6.

14. Э.Григ – «Соната № 2». Скрипка ва фортепиано учун.

15.А.Усмон – «Концерт – фантазия». Қашқар рубоби ва оркестр учун.

16.Д.Дўстмуҳаммедов – «Концерт». Қашқар рубоби ва оркестр учун.

17. Л.Бетховен – «Соната №5». Скрипка ва фортепиано учун.

18. Ф.Амиров – «Мугам – поэма». Тор ва оркестр учун.

19.В.Моцарт – «Концерт» Ре мажор. Скрипка ва фортепиано учун.

20. А.Хачатурян «Концерт» Скрипка ва фортепиано учун

21.Д.Кабалевский «Концерт» Виолончель ва фортепиано учун.

22.М.Отажонов. Қашқар рубоби ва фортепиано учун концерт.

23. М.Отажонов. Афғон рубоби ва фортепиано учун концерт.

24.И.Ҳамроев – «Концерт» Қашқар рубоби ва фортепиано учун.

25.Ҳ.Раҳимов – «Концерт» Қашқар рубоби ва фортепиано учун.

26.О.Абдуллаева – «Концерт» Қашқар рубоби ва фортепиано учун.

27.М.Бафоев – «Концерт» Қашқар рубоби ва фортепиано учун.

28.В.Зудов – «Концерт» Қашқар рубоби ва фортепиано учун.



Дастур ансамбл жамоасининг  ижодий камолоти асоси ҳисобланади. У ижрочилик маҳоратни юксалтириш билан бирга ижрочи ва тингловчиларни ғоявий, маънавий эстетик жиҳатдан тарбиялашда муҳим ўрин тутишини ёдда сақлаш лозим.

Дастур танлашда қуйидагиларга амал қилиш керак:

- асарнинг ғоявийлиги ва бадиий юксаклигига;
- танланган асар ансамбл  жамоасига мос келишига;
- оддийдан мураккабга ўтиб боришга;
- асарнинг мавзу жиҳатдан ранг-баранг бўлишига;
- танланган асарнинг концертда ижро қилиниши мумкинлигига.

Тўғри танланган дастур таълим- тарбия жараёнига ижобий таъсир қилади, жамоанинг мусиқавий-назарий билимларини, ижрочилик малакаларини ва бадиий дидларини оширади. Дастурнинг мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлиши учун турли жанрга мансуб асарлар танлаш, ижрочиларнинг ижрочилик маҳоратларига қараб, оддийдан мураккаб асарларга қараб ўтишни назарда тутиши керак. Шу боис нашр этилган асарлар тўплами билан мунтазам танишиб бориш, услубий марказлар, тажрибали устозлар билан боғланиб, амалий ёрдам ва маслаҳатлар олиб туриш тавсия этилади. Бу йўл билан ансамбл жамоасининг ижро маҳоратини такомиллаштиришга  эришилади.

## II.БОБ. Ўзбекистон давлат консерваторияси урма зарбли чолғулар синфи фаолияти.

Дойра ижрочилик санъатининг ривожланиш тизимини йўлга қўйиш,  ёш авлодга назарий ва амалий билим бериш мақсадида 1948 йилда Тошкент давлат консерваторияси (ҳозирги Ўзбекистон Давлат консерваторияси)нинг халқ чолғулари факультетида дойра ва урма зарбли чолғулар синфи ташкил этилди. Ушбу даргоҳда  ҳар бир истеъдодли талаба дойра ижрочилиги тарихи, назарияси каби  билимларни эгаллаб, амалий ўзлаштиришга  ижодий ёндошган холда устоз-ўқитувчилардан таҳсил  олиб  келмоқдалар. Йиллар давомида мазкур таълим йўналиши бўйича юзлаб мутахассислар тарбияланди, вояга етди. Улар ҳозирги кунда Республикамизда  ҳамда турли хорижий мамлакатларнинг ижодий жамоалари ва таълим даргоҳларида самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Ўқитувчининг асосий ва муҳим вазифаси – таълим ва тарбияни уйғун ҳолда олиб бориш, амалий машғулотлар жараёнида ўқувчиларда ижрочилик санъатига меҳр уйғота олиш, танлаган чолғусини эъзозлаб, севиб ўрганиш орқали малакали ижрочи-созандани тарбиялаш.

Дойра амалиётда жуда кенг қўлланадиган чолғу ҳисобланади. У ўтириб ва туриб чалинадиган чолғулардан бўлиб, оркестр, ансамбл ижрочилигида ва яккахон ижрочиликда қўлланилади.

Чолғуни яхши ўзлаштириш учун ижро пайтида уни тўғри тутиш муҳимлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Ижро пайтида ижрочининг гавда, оёқ, қўллари эркин, ташқи кўриниши чиройли бўлиши катта аҳамиятга эга.

**ДОЙРАЧИНИНГ ТУРИБ ИЖРО ЭТИШ ҲОЛАТИ.** Дойра икки ҳолатда: ўтириб ва тик турган ҳолда чалинади. У маълум шарт-шароитларга боғлиқ - чолғучи, асосан ижро жараёнида кўпроқ тик турган ҳолда, оркестр ва ансамбл таркибида эса кўпроқ ўтирган ҳолда чалади. Дойрани туриб чалганда, оёқлар оралиғи елка кенглигида туриши мақсадга мувофиқдир. Иккала қўл тирсаклари гавдага тегиб турмаслиги, ижро этиш мобайнида қўллар қотиб, толиқмаслиги учун дойрани юқорига кўтариш, қуйига тушириш, қўл, билак ва тирсакларнинг ҳаракатлантириб туриш ижрони енгиллаштиради. Қуйида якка ва ансамбл бўлиб ижро холати келтирилди:





**ДОЙРАЧИНИНГ ЎТИРИБ ИЖРО ЭТИШ ҲОЛАТИ.** Дойрада ижро этишни ўрганувчи ҳар бир ўқувчи, ижрочиликнинг дастлабки қонун-қоидаларини эгаллаш ва унга амал қилиш кўникмаларини ҳосил қилиши керак. Бунда чолғучи бошни тўғри, елкаларни бўш тутиб, ўтирғичга суянмасдан, ўтирғич четига яқинроқ ўтириши лозим. Ўнг оёқ чап оёққа нисбатан бироз орқароққа жойлашиб, ерга таянган ҳолда туриши, ўз атрофидаги созанда, раққоса ва ижрочиларни кўриб туриши учун дойрани ўзидан озгина чапроққа олиб ушлаши лозим. Энди бошқа холат - ўтириб якка ва ансамбл бўлиб ижро холати келтирилди:





Ижро вақтида -

- Иккала қўл ва бармоқлар зарблари бир ҳил куч билан урилишига эришиш;
- Ижро этиш характерини билдирувчи белгиларни доим назарда тутиш;
- Товуш кучини ифодаловчи белгиларга амал қилиб ижро этиш;
- Темплар (суръат) турлари ва уларнинг ўзгаришига амал қилган ҳолда бажариш;
- Темпларнинг секинлаштириш ва тезлаштириш белгиларига эътибор бериб ижро қилиш  ва ҳ.қ. талаб этилади.

Ижрочилик ҳолатига дастлабки машғулотларданоқ катта эътибор бериш керак. Бунда ўнг ва чап қўлларнинг ҳолати, яъни чолғуни тўғри ушлаш, дойрани тўғри тутиш,  ўнг ва чап қўлларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатда тўғри бўлишини таъминлаш энг асосий вазифалардан биридир. Чолғуни тутиш ҳолатидаги мавжуд бўлган камчиликлар кўпинча ижрочилик маҳоратининг паст даражада бўлишига, ҳатто гавда тузилишининг нотўғри шаклланиб қолишига ҳам сабаб бўлади.

Ижрочилик ҳолатининг тўғри бўлиши ижрочига узоқ вақт чарчамасдан чалиш имкониятини беради. Бу эса ўқувчининг мунтазам равишда мустақил шуғулланишига ёрдам беради. Агар ўқувчида қўллар, гавда қисмларининг қотиб қолиш ҳолатлари кузатилса у тез чарчайди, демак давомли равишда шуғуллана олмайди.

Ижрочилик ҳолати бир ёки бир неча дарсда ўзлаштириладиган жараён эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, ўқитувчи ўқувчи ёки талаба билан доимий равишда ижрочилик ҳолати устида ишлаш давомида уни нотўғри бўлиб қолмаслиги учун назорат қилиб бориши керак. Чунки, ижрочилик ҳолати аввал яхши бўлиб, кейинроқ бузилиши ҳам учраб туради. Бундан ташқари ижрочилик ҳолати ўқувчи – ижрочининг концерт ижрочилигида, айнан яккахон солист сифатида чиқишида чолғу билан ҳамоҳанг ҳаракат қилиш, мусиқий асарнинг моҳиятини очиб бериш ва тингловчи томошабинда бадиий-эстетик таассурот қолдиришнинг асосий омилларидан биридир.



## II. БОБ. 1. Таниқли Ўзбекистон дойрачи санъаткорлари.

Ўзбек дойрасининг оммалаши, халқ орасида ўз тингловчиларини топишга биринчи пойдевор қўйган инсон - Ўзбекистон халқ артисти Уста Олим Комиловдир. Уста Олим Комиловнинг устози Масаид Ота Марғилоний бўлганлар. Уста Олим Комиловнинг дойра ижро услуби рақс терма усулларига асосланган, ўзбек рақс санъатини бутун дунё тарғиботида катта ҳисса кўшган. Рақс усул термаларининг йиғиндиси “Қўш қарс 1- 2-”да жам бўлган. “Қўш қарс” 48тадан ортиқ рақс терма усулларини ўз ичига олган бўлиб, у усуллар: “қўш қарс”, “якка қарс”, “оқсатма”, “гул ўйин” каби номларига эга. Ушбу усуллар асосида “Қўқонча”, “Бурулча”, “Тантана”, “Катта ўйин” ва яна бир нечта терма усуллар дарсликлари яратилди.

Уста Олим Комиловнинг биринчи шогирдалри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тўйчи Иноғомовдир. Дойрачилик мактабининг ривожига Тўйчи Иноғомов катта ҳисса кўшган. У устоз йўлини давом эттирган ҳолда терма усуллар ижросини сайқаллаштирган, ижро услублари содда ва равон йўлдир. Рақс терма усулларни янада ривожлантириб, “Бухороча”, “Шодлик”, “Довул” каби яна бир қанча дойра асарларини яратди. Тўйчи Иноғомов ижрочи бўлишдан ташқари яхши устоз ҳам бўлганлар. Дойра созининг моҳир ижрочиларининг аксарияти Тўйчи Иноғомовдан сабоқ олган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғофир Азимов ҳам Уста Олим Комиловнинг шогирдларидан. Ғофир Азимов ҳам ўзбек дойрачилик мактабида ўз ижро услуби билан из қолдирган. Унинг ижро услуби сержило ва безакларга бой бўлган. Ғофир Азимов ракс терма усулларини ўзидан безаклар кўшган ҳолда ижро этган. Унинг ижро йўлларини ҳозирги кунда фарзандлари ва набиралари давом эттириб келмоқдалар.

ЎЗбек дойрачилик мактабида ўз услубига эга бўлган дойрачилардан яна бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дадахўжа Соттихўжаевдир. Дадахўжа Соттихўжаев Аҳмаджон Ота Умурзоқовдан сабоқ олиб, ўз ижро услубини сайқаллаштирган. Ракс терма усулларидан ташқари мураккаб дойра усулларига меҳр берган. Дадахўжа Соттихўжаев бир неча йиллар “Шашмақом” ривожига, мураккаб дойра усуллари ижро услубини ривожлантиришга ўз ҳиссасини кўшган. У ўзидан кейин бир неча шогирдлар қолдирди.

"Қўшрақс" 1930 йилда Москвада бўлиб ўтган 1-театрлар олимпиадасида илк бор гуруҳли раққосалар томонидан ижро этилди ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ушбу гулдаста таркибида Тамарахоним, Гавҳар Рахимова, Мукаррама Турғунбоева, Ҳалима Рахимова, Зайнаб Ҳамидова, Хайрихоним, Зулайхохоним ва бошқа элга маълум санъат усталари бор эдилар.

Санъаткор Уста Олим Комилов маҳорати боис Ўзбекистонда XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб янгидан ташкил топган барча бадиий-ижодий жамоалар, халқ-этнографик ансамблларида дойра-ноғора муҳим ўрин эгаллайдиган бўлди. Уста Олимнинг содиқ шогирдлари: Ўзбекистон халқ артисти Раҳим **Исохўжаев,** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: **Туйчи Иноғомов**, Ғафур **Азимов,** Ғафур **Солихов,** Дадахўжа **Соттихўжаев,** Убай **Хўжасв**, Авнер **Бароев,** Ғафур **Иноғомов**, Жалил **Мирхолиқов,** Болта **Шарипов** кабилар ўз санъатлари билан халқимизга сидқидилдан хизмат қилиб, ўзбек дойрачилик санъатини бутун дунёга тараннум этдилар.

Замонамизда (XX асрпинг II ярми, XXI асрнинг бошлари) уларнинг шогирдлари Ўзбекистон халқ артистлари Каҳрамон **Дадаев**, Талъат **Сайфиддинов,** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Хусан **Носиров**, Элмурод **Исломов**, Тожиали **Олимов**, шунингдек, бугунги куннинг етук дойрачилари, Рахматилла **Самадов,** Рустам **Убайдуллаев**, Ҳасан **Азимов**, Аббос **Қосимов**, Мурод ва Маъруф **Азимов**, Маъмур **Мирдадаев,** Хабибулла

**Расулов** ва албатта устозимиз Илхом **Икромов**, Алишер **Юлдашев** каби ўнлаб дойрачилар мустақил Ўзбекистоннинг барча вилоят ва туманларида, бутун Ўрта Осиёда дойрачилик санъатини ривожлантириш ҳамда бу ноёб соз турини дунёга тарғиб ва ташвиқ қилиш ишида муносиб ҳиссаларипи қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистонда санъатнинг ҳар бир тури ва унинг устаси ўз йўли, мавқеи ҳамда тадрижий такомилига эга. Шундай санъат турларидаи бири, энг оммалашгани дойрадастлик санъатидир. Дойранинг урма-зарбли соз сифатида қадимдан халқимиз ҳаётида тутган ўрни кўпчиликка маълум. Қўшиқчилик, ижро санъати борки, даф — дойрасиз бўлмайди. Қадим аждодларимизнинг ҳарбий юришлари, Ватан ҳимояси жангларидан тортиб, туй-тантаналаригача, оммавий байрам, спорт-ҳарбийча юриш, сафда туришларидан тортиб, мактаб тўгаракларигача дойра санъати кенг қулоч ёйган.

Ўзбекистонда дойра санъати машҳур чилдирмакаши Уста Олим Комиловнинг номи билан боғлиқ. Кекса авлод бу зотнинг санъат сеҳри ва маҳоратини яхши эслайди. Бироқ XX асрнинг II ярмидаи бошлаб, ўзбекнинг ўнлаб авлодлари, қолаверса, Яқин Шарқ Осиё-ю, Европа, борингки, бутун дунё дойра санъати — чирмандакашлик устаси деганда Ўзбекистон халқ артисти, ўнлаб халқаро соврин ва мукофотлар лауреати Қаҳрамон **Дадаевни** кўз ўнгига келтиради.

Юқорида номлари келтирилган машҳур дойрачилар тажрибалари ижро услублари амалий ва назарий ўрганилиб, ёш дойрачилар учун ўқув адабиётлари тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Бу эса, ёш дойрачи мутахассисларни тайёрлаш ишига самарали хизмат қилиб келмоқда.



**Қаҳрамон Дадаев** қўш дойрада.

Ансамблимиз таркиби:



## II.БОБ. 2. Урма зарбли чолғулар ансамбли учун Ж.Бизенинг “Кармен” операси “Муқаддима”си таҳлили.

**Жорж Бизе**

(1838–1875)

### «КАРМЕН» ОПЕРАСИГА МУҚАДДИМА

Машҳур француз композитори Жорж Бизе 1838 йилда Париж шаҳрида таваллуд топган, мусиқа маълумотини Париж консерваториясида олган. Турли жанрларда: опера, оперетта, кантата, симфония ва оркестр сюиталари ижод қилган. Улардан «Марварид изловчилар» ва «Кармен» опералари жаҳонга машҳур.

«Кармен» операси француз ёзувчиси Проспер Мериме ҳикоясига ёзилган. Асосий қаҳрамони – лўли қиз Кармен. Эркин муҳаббатни танлаш ҳуқуқи унинг ҳаёт мазмунига айланган. Кармен унга ўз тақдирини бахшида этган Хозенинг севгисини даставвал қабул қилиб, оз вақт ўтгач тарк этади. Янги вужудга келган муҳаббат туйғусини у тореадор Эскамильога бағишлайди. Бу ҳис-туйғуси учун Кармен Хозенинг рашкига дуч келиб, унинг пичоғидан ўлим топади.

Муқаддима – кириш қисми вазифасини бажараётган симфоник оркестр ижросидаги партитура. Одатда, мусиқий-саҳнавий асарлар бошланишидан олдин муқаддима келтирилади. Унинг асосий мақсади - тингловчиларни руҳан тайёрлаш, асосий образлар ҳақида мусиқий тасаввурларни шакллантиришдир.

«Кармен» операсининг муқаддимаси катта симфоник оркестр учун ёзилган ва у асарнинг мазмунини акс эттиради. Унда халқ саҳналарига хос хушчақчақ байрамона манзаралар, жанговор ва ҳаётбахш тореадор Эскамильонинг марши - бир томондан, шунингдек муҳаббатнинг фожиявий тугалиши ҳақида хабар бераётган «тақдир» мавзуси - иккинчи томондан баён этилган.

Жорж Бизе 1875 йил Буживалда вафот этган.

Урма-зарбли чолғулар учун ЎзДК доценти, устозимиз И.И.Икромов томонидан мослаштирилган муқаддимада асарнинг фақат бир қисми танлаб олинган. Муқаддима I ва II ксилофонлар ижросида бошланади. Бу биринчи мавзу (1-2 рақамлар) халқ байрамини ифодаловчи, ёрқин кайфиятни ўрнатади.

Унга қўшилган ҳолда бошқа куй (3 рақам) юзага келади ва у маримба чолғусида ижро этилади. Эътиборли томони шундаки, мазкур мавзу ***p*** да келиб, босиқ характерга эга. Партитуранинг 5-рақамидан биринчи куй қайтарилади ва илк ёрқин кайфият тикланади.

Кичик ва катта барабанлар усули асосида янги мавзу бошланади (7-13 рақамлар). Унинг биринчи кўриниши ксилофонлар ижросида берилган. Операда бу тореадор Эскамильо қўшиғидир. Композиторнинг ўйлашича, қаҳрамон саҳнага узоқ масофадан етиб келади, шу боис мазкур куй олдин ***p*** да, иккинчи ижросида эса ***ff*** динамикаси билан барча чолғулар иштирокида ижро қилиниши назарда тутилган. Мусиқа ривож жараёнида оддий пиёда маршига хос бўлиб, зафар билан қадам босиш маросимга айланади ва байрамона кайфият чўққига чиқади. 13-рақамдан биринчи мавзу қайтарилиб, асарнинг асосий кайфияти, яъни ҳаётбахш, ёрқинлик, хушчақчақ ҳиссий олами мухрланади.

Муқаддимани ижро этиш пайтида ранго-ранг характерли образларни яратишга интилиш лозим. Бу вазифага самарали эришиш учун авваламбор динамик кўрсатгичларга ҳамда турли штрихларни тўғри бажаришга эътиборни қаратиш тавсия этилади. Ушбу асар Ўзбекистон давлат консерваторияси ката залида тингловчилар ҳукмига ҳавола этилиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлди. Шундан буён бу ва бошқа ансамбл учун мослаштирилган асарлар дастуримиздан муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Ансамбл бўлиб ижро қилиш барчамиз учун қизиқарли ва масъулиятли эканлигини ҳис этиб турли катта тадбирларда иштирок қилиб келишга эришдик. Тажрибадан ўтган асарларни болалар мусиқа ва санъат мактаблари, санъат йўналишидаги коллеж ва лицей ўқувчиларига ҳам тортиқ этиб келмоқдамиз. Бунга ҳар ўқув йилида ўтказилиб келинаётган афишали коцерт чиқишларимиз мисол бўла олади.

Қуйида ушбу асарнинг ансамбл учун мослаштирилган тўлиқ вариантини келтирамиз:

# "Кармен" операсига МУҚАДДИМА

Урма зарбли чолғулар ансамбли учун **И.Икромов** қайта ишлаган

**Ж. БИЗЕ**




2
Ксил.
Ксил.
Мар.
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
Б-б.
tr
tr
8vb


3
Ксил.
Ксил.
Мар.
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
Б-б.
tr
p


Ксил.
Ксил.
Мар.
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
Б-б.


4
Ксил.
Ксил.
Мар.
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
Б-б.
f
mf
pp
tr
cresc.


5
Ксил.
Ксил.
Мар.
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
Б-б.
ff
f
tr


6
Ксил.
Ксил.
Мар.
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
Б-б.
tr
f
mf dim.
8vb


Ксил.
Ксил.
Мар.
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
Б-б.


7
Ксил.
p
Ксил.
p
Мар.
mf
p
Виб.
mf
pp
Лит.
mf
pp
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
mf
pp
Б-б.
mf


Ксил.
Ксил.
Мар.
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
pp
Б-б.


8
Ксил.
Ксил.
Мар.
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
Б-б.


Ксил.
Ксил.
Мар.
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
pp
Б-б.


9
Ксил.
cresc.
3
p
Ксил.
cresc.
3
p
Мар.
cresc.
3
p
Виб.
cresc.
3
p
Лит.
Кас.
3
p
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
cresc.
3
p
Б-б.
cresc.


10
Ксил.
Ксил.
Мар.
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
Б-б.
3
ff cresc.
mf


Ксил.
Ксил.
Мар.
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
Б-б.


11
Ксил.
p espress.
Ксил.
p espress.
Мар.
p espress.
Виб.
p espress.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
p espress.
Б-б.
p espress.


12
Ксил.
Ксил.
Мар.
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
Б-б.
tr
mf cresc.
f
3


13
Ксил.
Ксил.
Мар.
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
Б-б.
ff
f
mf
tr
3


14
Ксил.
Ксил.
Мар.
8vb
f
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
Б-б.



Ксил.
più ff
Ксил.
più ff
Мар.
più ff
Виб.
più ff
Лит.
più ff
Кас.
più ff
Тар.
più ff
Тр-к.
più ff
Буб.
più ff
М-б.
più ff
Б-б.
più ff


Ксил.
Ксил.
Мар.
Виб.
Лит.
Кас.
Тар.
Тр-к.
Буб.
М-б.
Б-б.

# ХУЛОСА

Бизнинг маънавиятимиз узоқ даврлардан бошлаб ҳозирги кунгача ривожланиб, бойиб, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилган. Ёшларни маънавиятли мутахассис қилиб тарбиялашда санъатнинг кучи беқиёсдир. Ўзбекистон республикасида санъат турлари билан шуғулланувчи бадиий жамоалар кўп, уларнинг ҳар бири ўз ўрнига эга, санъат билан шуғулланишда кўп нарсаларга эътибор қаратиш лозим: кийиниш одоби, нутқ, муомала маданияти, меҳнат қилиш тартиби ва бошқалар. Бу нарсалар билан ёш баркамол авлодни таништириб бориш, унга нисбатан қизиқиш уйғотиш, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиради, уларнинг фаолиятини ижобий ишлар қилишга етаклайди, эзгу ишларга руҳлантиради.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, **ИЖРОЧИЛИКНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ УСТИДА ИШЛАШ,** шу жумладан биз таҳлил этаётган урма-зарбли чолғулар ансамбли ижросига мослаштирилган асарлар ҳам муҳим ўрин тутади. Маълумки, ҳар қандай мусиқа асари бу бадиий асар. Уни бадиий асар даражасида ижро этиш созандадан пухта билим ва юксак маҳорат талаб қилади. Ўқитувчи бўлғуси созандани тарбиялар экан унда шу чолғуга нисбатан меҳр уйғота олиши керак. Бунинг учун ўқитишнинг дастлабки даврлариданоқ имкони борича шу чолғуда яхши жаранглайдиган, ўқувчига ёқадиган асарларни ўқув режаси таркибига доимий киритиб бориш лозим. Асарлар устида ишлаганда қўллар билан бериладиган ҳар бир зарб орқали яхши товуш ҳосил қилинишига эътибор бериш керак. Чунки, созанда товушининг кучи ва сифати ижрони бадиий ифодалайдиган асосий мезонлардан биридир. Созанданинг ижро техникаси қанчалик юқори бўлмасин, агар у асарнинг бадиий хусусиятларини очиб бера олмаса тингловчида яхши таассурот қолдира олмайди. Бунинг учун созанда ўз чолғусини яхши билиши ва ижро услубларининг ифодалилик хусусиятларини яхши эгаллаган, уларни керакли даражада қўллай билиш, ҳамда тиниқ товушни ҳосил қила олиши, уни бошқара олиш каби малакаларни тўлиқ ўзлаштирган бўлиши керак.

Бундай малакаларни ўзлаштириш бирмунча мураккаб бўлиб, муайян вақт талаб қилади. Тажрибада ижро техникаси юксак даражада, лекин куйни ҳис қила олмайдиган созандалар учраб туради. Чолғу ижрочилиги синфида ўқитувчи ўқувчи билан шуғулланиш жараёнида, ҳар бир машғулотда ўқувчининг мусиқа усулини ҳис қила олиш, уни сезиш каби нозик туйғуларини узлуксиз равишда тарбиялаб бориши лозим.

Ўқув даврида маълум ўқув режасидаги куйларни ўрганиш жараёнида ўқувчининг мусиқий онгини ўстириш, хотирасини ва ритмни ҳис қилиш ҳамда эшитиш қобилиятларини ҳам тарбиялаб, ривожлантириб боришга алоҳида эътибор қаратмоқ зарур. Бунинг учун устоз-ўқитувчи дарс жараёнига ижодий ёндошиши, ўқувчиларни синчиклаб кузатиши ва мақсадга эришишнинг турли имкониятларини топиши талаб этилади. Улар:

1. Ўқувчига бирон-бир асарни ўқитувчининг ўзи ижро этиб бериб, биргаликда таҳлил қилиш ва ўқувчиларга бадиий томонларини тушунтириб, аниқроқ очиб бериш; асардаги мусиқий жумлаларни образли қиёслаб, уларни ўқувчининг ҳис туйғулари орқали тушунтириб бериш.

2. Магнит тасмаларидаги куй ва қўшиқларни ўқувчилар билан тинглаб, муҳокама қилиш ёки бир асарни 2-3 хил ижроларини солиштириб, уларнинг фарқларини, камчиликларини ва афзалликларини тушунтириб бериш.

3. Дастурдаги асарлар билан бир қаторда ўзбек халқ куйларидан бирон-бир асарни ҳамма ўқувчилар билан нотасиз, оғзаки анъанада ўрганиш ва чалиш.

4. Ўқув муассасаси дойрасида ва ундан ташқаридаги концертларда қатнашиш, ҳамда тинглаш. Концертдан сўнг албатта ўқитувчи концерт ижросини таҳлил қилиши ва ундаги яхши томонларни ўқувчиларга кўрсатиб бериши ўзининг яхши самарасини беради. Лекин, шунга қарамасдан тажрибали созанда-ўқитувчиларнинг таъкидлашларича ўқувчига тушунтирилаётган мусиқани ўқитувчининг ўзи қандай тушунтирган бўлса, шундай ижро этиб кўрсатиб бериши ўқувчи томонидан материални тез ўзлаштиришида асосий омилардан бири ҳисобланади.

5. Фақатгина дойра асарларини таҳлил қилмасдан, бошқа урма чолғулар ижроларини концертда ёки магнит ёзувларидан эшитиш ва уларни таҳлил қилиш. Европа классиклари асарларини ижро, этганда аввало ўқувчи асар ва асарнинг муаллифи, яратилган даври, жанри ва йўналишини тушуниб етгандагина асарнинг бадиий характерини ечиб бера олади. Масалан, Европа классиклари асарларини ижро этганда товуш майин, тиниқ, аниқ сифатларга эга бўлиши керак.

Худди шунга ўхшаш триолли штрих ҳам ўзбек рақс куйларида бутунлай бошқа характерга эга бўлиб товушларни уриш тартиби ҳам турлича бўлади. Рус композиторлари ва Европа классикларининг асарлари ёки озарбайжон

композиторлари асарларида эса бу штрихнинг характери қатъий триоль кўринишига эга бўлади.

Мамлакатимизда маданий ҳаётнинг янада юксалиши ва чолғуларда ижрочилик санъати таълимининг ривожланиши бадиий жамоалар олдига янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз, хусусан ўлмас меросимиз ҳисобланмиш миллий созандалик санъатимизга бўлган эътибор анча ортди. Бу нарса ўз навбатида бадиий жамоалар фаолиятига ҳам тегишлидир, чунки бадиий жамоани созандасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Олдимизга қўйилган вазифаларни бажариш иши ҳар тарафлама ривожланган, ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган созандани, бўлажак бадиий жамоа раҳбарини тарбиялаш билан боғлиқ. Бундай кадрлар, умуман санъат ва хусусан, бадиий жамоа ҳисобланмиш чолғу ансамблларини ташкил этишга оид билимлардан, ўз касб-ҳунарининг сирларидан хабардор бўлиши керак. Бундан ташқари, тарбияланаётган бўлажак мутахассис турли муаммоларни мустақил равишда ҳал эта олиши лозим.

**ИЛОВАЛАР:**

## ТОВУШ КУЧИНИ ИФОДАЛОВЧИ БЕЛГИЛАР

***pp*** пианиссимо – жуда кучсиз

***p*** пиано – кучсиз

***mp*** мессо пиано – ўртача кучсиз

***mf*** мессофорте – ўртача кучли

***f*** форте – кучли

***ff*** фортиссимо – жуда кучли

диминуендо – товушни аста-секин кучсизлантириш

крешчендо – аста-секин кучлантириш

***sf*** сфорсандо – айрим товушларни бирданига кучли ижро этиш

**Mоrenдо** морендо – сусайтириш

**Calanдо** каландо – товуш кучини сусайтириш ва айни вақтда темпни оғирлаштириш.

## ИЖРО ЭТИШ ХАРАКТЕРИНИ БИЛДИРУВЧИ БЕЛГИЛАР

**Maestoso** маестосо - тантанали

**Espresivo** експрессиво - таъсирли

**Cantabile** кантабиле - мусиқий -мусиқавий

**Dolce** долче - нозик

**Graziозо** грасиозо -латиф

**Animato** анимато - жонли

**Non troppo** нон троппо - ўрта-миёна

**Allegro non troppo** аллегро нон тропо - ўртача тезликда

**Molto** молто - жуда, ниҳоятда

**Lento molto** ленто молто - жуда чўзиб

**Poco a poco** поко а поко - оз-оз, секин-аста

**Poco a poco accelerando** -поко а апоко аччалерандо - оз-оз секин - аста тезлата бориш

**Piu** - пиу - кўпроқ

**Piu animato** - пиу анимато - бирданига, жонлироқ

**Poco piy** - поко пиу - сал, хиёл

**Sempre** - сempре - ҳамиша

**Con moto** - кон мото - жонлироқ ҳаракат билан тезлаштириб

**Larghetto** - ляргэтто – енгил, жонлироқ

**Largamente** - ляргаменте – оғир, кенг

**Meno** - мено - бир оз оғирроқ

**Meno mosso** - мено моссо - секинроқ

## ТЕМП (СУРЪАТ) ТУРЛАРИ

Бирор бир мусиқа асари ёки унинг қайсидир қисмини ижро этиш тезлиги ва характери **темп (суръат)** деб аталади. Темпларнинг номи асарнинг бошига, нота йўлининг устига ёзиб белгиланади.

Кўп қўлланиладиган асосий темплар қуйидагилар:

**Largo** ляргo – жуда чўзиб чалинади (энг оғир темп)

**Lento** ленто – секин-аста

**Adagio** адажио – оғир -вазмин

**Andante** анданте – секин-аста, шошмасдан

**Andantino** андантино – андантедан тезроқ

**Moderato** модерато – шошилмай (ўрта тезликда, мулойим)

**Allegretto** аллегретто – бир қадар тезроқ, жонлироқ

**Allegro** аллегро – жадал

**VIVO, VIVace** виво, виваче – жадал билан

**Precto** престо – тез

**Prestissimo** престиссимо – жуда тез

**ТЕМПЛАРНИ СЕКИНЛАШТИРИШ ВА ТЕЗЛАШТИРИШ БЕЛГИЛАРИ:**

**Accelerando** аччелерандо - тезлаштириб

**Animando** анимандо - жонлантириб

**Rallentando** раллентандо - секинлаштириб

**Ritardando** ритардандо - оғирлаштириб

**Ritenuto** ритенуто - аста секинлатиб

**Stretto** - стретто - ихчамлатиб (тезлатиб)

**A tempo**: **темпо примо** а темпо, темпо примо - аввалги темпга қайтиш

## Г Л О С С А Р И Й

**Ушбу атамалар глоссарийсида ижрочиликда, умуман барча чолғуларда ихтисослик фани бўйича якка машғулотларда қўлланиладиган атамаларнинг қисқача изоҳи келтирилган.**

**Мазкур глоссарий нафақат олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мусиқий санъати таълим йўналишлари ва мутахассисликлари талабаларига, шунингдек, профессор-ўқитувчилар ҳамда барча соҳа мутахассислари учун ҳам фойдалидир.**

**Авж – (**араб. чўққи) – мусиқа баёни ва ривожида энг юқори нуқта.

**Аккомпанемент** (фр.) жўр бўлиш.

**Акцент** – (лот.) – урғу, таъкидлаш.

**Ансамбль** – биргаликда, асарни бир неча ижрочи томонидан биргаликда ижро этилиши.

**Достон** сўзи *форсча* қўлнинг давоми, бармоқ ўрни, парда деган тушунчаларни англатади. Истилоҳий маънода эса афсона, ривоят, эртак, ҳикоя, поэма деган маъноларни билдиради.

**Мусиқий асар:** Маълум бир мусиқий асар Б.Асафьев таъбири билан айтганда уч хил кўринишда мавжуд бўлади.

Бу нота матни, яъни ёзув асосида.

Ижрочи томонидан талқин қилинган жонли ижрода.

Тингловчининг ҳаётий тажрибаси ва бадиий образларнинг у томонидан қабул қилиниши натижасида асарни ҳақиқий ижро жараёни амалга оширилади.

**Мусиқий ифода** воситалари: товуш ҳосил қилиш ва унинг акустик асослари, мусиқий товуш, сознинг тозалиги (интонация), товуш туси (тембр), нола (вибрато), усул (ритм), ўлчов, суръат, агогика, артикуляция, динамик белги ва бошқалар киради.

**Мусиқий хотира -** инсон руҳий жараёнининг муҳим жиҳатларидан бири ёд олиш ва хотирада сақлаш бўлиб, унинг моҳияти эсда сақлаб қолиш ва зарур пайтда ўша хотирадагиларни маълум бир восита орқали юзага чиқариш-намаён қилиш ҳисобланади. ***Ашула*** – кенг тарқалган вокал мусиқа жанри ва шакли бўлиб, унда шеърий ва мусиқий образлар бир-бирига уйғунлашган ҳолда гавдаланади. Ашуланинг халқ ва муаллифлик турлари мавжуд. Ашула тузилиши ва ижроси бўйича турли жанрларга бўлинади . Масалан: оммавий, эстрада, ансамбль, хор ва бошқалар.

**Баллада** – (итальянча «*ballade*») - адабий-поэтик жанр бўлиб, халқ ўтмиши ҳақидаги шеърий қисса. Қисса ёки ҳикоя қилиб айтиб бериш характерида ёзилган чолғу ёки вокал мусиқа асари.

**Вальс** – (французча «*valse*») - икки биргаликда оҳиста ўйнайдиган рақс. Мусиқа ўлчови 3/4 бўлиб, тез, ўртача тез ва вазмин суръатларда бўлади.

**Концерт -** (лотинча «*concertere*» – мусобақалашмоқ) - симфоник оркестр ёки халқ чолғу асбоблари оркестрининг жўрлиги билан, ёлғиз бир чолғу ёки овоз учун йирик шаклда ёзилган мусиқа асари. Концерт кўпроқ 3 қисмдан иборат бўлиб, 1- қисми – драматик характерда – суръати тез, асосан *соната аллегроси* шаклида, 2-қисми лирик характерли - салмоқли суратда бўлса, 3-қисми – финал, тантанали рақс шаклида ёзилади.

**Концертино** – (итальянча – «*concertino*») - бир қисмдан иборат кичик ҳажмдаги *концерт*.

**Менуэт** - (французча – «*menuetto*», «мену» – кичик, майда) - текис харакатлар билан салмоқли суръатда ижро этиладиган қадимий француз халқ рақси. Такт ўлчови уч ҳиссали. Чолғу мусиқасида менуэт - шахдам суръатли, рақс характеридаги пьеса.

**Мазурка** – (полякча – «*mazur*») - кескин ритмли ва илдам характердаги поляк халқ рақси. Суръати турлича бўлиб, такт ўлчови 3/4 ёки 3/8, урғу одатдагидек тактнинг кучли ҳиссасига эмас, балки бошқа ҳиссаларига ҳам тушиши мумкин.

**Пассакалия** – (испанча – «*pasa*» – ўтиш, «*salle*» – кўча) 1) Қадимий испанча рақс. Францияда Людовик XIV даврида якка рақс тариқасида кенг тарқалиб, вазмин, уч ҳиссали ўлчовда ижро этилган. 2) Вариация шаклида орган учун ёзилган мусиқий пьеса. Бунда асосий куй ҳар доим *бас*да қайтарилади, яъни *бассо остинато*нинг бир тури бўлиб, уч ҳиссали ўлчовда келади.

**Полонез** – (французча – «*dance polonacie*»нинг қисқартирилгани) - оҳиста қадамлар билан тантанали ижро этиладиган, 3/4 ўлчовли қадимий поляк рақси.

XIX асрга келиб, концертларда ижро қилинадиган чолғу пьесаси сифатида шаклланди ва кенг тарқалди.

**Полька** – (чех. «*pulka*»– ярим ) - чех халқининг қадимий рақси. Раққослар жуфт-жуфт бўлиб, айлана шаклида ижро этиладилар. Мусиқа ўлчови 2/4 ракс, шўх ва жонли характерга эга.

**Поэма** – (юнонча «*poema*» – ижод қиламан) - 1) Унча катта бўлмаган лирик ҳарактердаги чолғу асари; 2) Оркестр ижроси учун ҳамда оркестр жўрлигида яккахон чолғу ёки овоз учун яратилган бир қисмли йирик мусиқа асари.

**Прелюдия** – (лотинча – «*prea*» – олдин, «*ludus*» - ўйин ) - асосий мусиқадан олдин ижро этиладиган кичик мусиқий пьеса, муқаддима. XI асрдан бошлаб, Европада қадимий чолғулар - лютня, клавесин ва орган чолғулари ижросида оммавийлашган.

**Попурри** – (французча – «*pot pourry*» – турли гўшт ва сабзавотлардан таёрланадиган овқат) – ҳар-хил мусиқа асарларидан олинган парчалар асосида тузилган пьеса.

**Рапсодия** – (юнонча «*rapsody*» – куйланадиган ёки ҳикоя қилинадиган эпик достон, қўшиқ) - халқ оҳанглари асосида эркин яратилган чолғу асари. Бунда бир неча халқ оҳанглари эркин ҳолда кенгайтирилиб, қайта ишланади.

**Романс** – (испанча «*romance*» - роман) - 1) Якка овоз учун ёзилган асар. Турли мавзу, характер ва тузилишга эга бўлиб, чолғу асбоблари жўрлигида ижро этилади; 2) Муайян чолғу учун ёзилган оҳангдор мусиқий пьеса.

**Рондо** – (французча «*roundeau*» - дойра ) - турли мазмундаги лавҳа (эпизод)лар орасида бош мавзу – рефреннинг - бир неча бор қайтарилишига асосланган мусиқий шакл. Рондода бош мавзу камида уч марта асосий тоналликда қайтарилиши шарт.

**Соната** – (лотинча «*conare*» – товуш бериш) - оммавийлашган камер чолғу мусиқа жанри. XIV-XVII асрлардан якканавоз ёки турли чолғу ансамбларга мўлжалланган, одатда 3 қисмли асар.

**Сонатина** – (италянча «*sonatina*» – кичик соната) - кичик ҳажмдаги *соната*.

**Серенада** – (италянча «*al cereno*»– очиқ, равшан) - илгарилари оқшом пайтларида муҳаббатга лойиқ бўлган хотин-қизлар уйи олдида ижро этиладиган вокал мусиқа асари. Одатда лютня, мандолина ёки гитара жўрлигида ижро этилиб, асосан Испания ва Италияда кенг тарқалган.

**Сюита** – (французча *«suite»* – қатор, тизма ) - ҳар бир қисми мустақил, турли характердаги мусиқий пьесаларининг боғланиб келишига асосланган мусиқий асар.

**Тарантелла** – (италянча – «*Toronto*» – Италиянинг жанубидаги шаҳар номи) - жуда тез суръатда ижро этиладиган Италия халқ рақси. Мусиқа ўлчови 6/8 ёки 3/8 да бўлиб, одатда триолли ритмда келиши билан характерлидир.

**Уфор**: – 1) Енгил рақс мусиқаси ёки дойра усули; 2) Шашмақом ва бошқа мақом туркумларидаги Наср (ашула) бўлимининг охирида келадиган баъзан рақсли ашула йўли.

**Фантазия** – (юнонча – «*phantasy*» – тасаввур этиш, ҳаёл қилиш) - эркин шаклда ёзилган чолғу асари, пьеса. Дастлаб, камер жанри тарзида вужудга келган, бадиҳа (импровизация) характерида, эркин шаклда бўлган. Кўпроқ орган ва клавесинлар учун яратилган. XIX асрдан бошлаб фортепиано учун ёзилган, маҳорат билан ижро этиладиган пьесалар ҳам *фантазия* деб атала бошланган.

**Қўшиқ** – шеър ва куйи кейинчалик муайян муаллиф (шоир ва бастакор ёки композитор) халқ томонидан ижод қилиниб, кенг тарқалган мусиқа жанри. Қўшиқ шеърлари бир неча банддан иборат бўлиб, баъзан нақаротли бўлади. **Юмореска** – кичик ҳажмли юмористик, ҳазил характеридаги пьеса. Мусиқа адабиётида А.Дворжак, П.Чайковский, В.Рахманинов ва бошқа композиторлар юморескалари машҳур.

---

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.


1.. И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч!” Т.2008.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. «Халқ сўзи» 1997-йил 30 сентябрь.

3. Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида; Ўзбекистон Президентининг Фармони. Т. 1997.

4. Акбаров И.А. «Музика луғати». Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1987.

5.Вызго Т.С. «Ўрта Осиё мусиқа чолғулари». Тарихий очерк. М. 1980.

6.Кароматов Ф. «Узбекская инструментальная музыка». М. «Музыка», 1987.

7.Одилов А. «Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи» Т. «Ўқитувчи» 1995.

8. Ражабов И. «Мақомлар масаласига доир» Т. 1963.

9.Фитрат А. «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи». Т. 1993.

10. Камолхўжаев О., Ливиев А. Дойра: дасрлик. – Т.: Ўқитувчи, 1985
11. Лутфулло Маҳмуд Дилмуроднинг дилкаш давралари. – Т.: Истиқлол, 2000
12.Сатторов М. Дойра сехри. – Т.: Шарк, 2002
13.А.Юлдашев Дойра ижрочилигида устоз мақоми. Т.2015
14. Маннонов И. Ўзбек саҳна маданияти. – Самарқанд, 2002
15. Ҳалилова М., Ибодов А. Ўзбек тўйлари. – Жиззах, Ўқитувчи, 2007
16. Т.Ашрафхўжаев Дойра дарслиги «А.Қодирий нашриёти 2004

17. И.Икромов Дойра дарслиги «Ўқитувчи нашриёти 1996

18. О.Камолхўжаев Дойра дарслиги Фан нашриёти, 2011
19. “Халқ чолғулари бошланғич таълим тизимининг амалий ва услубий вазифалари” Халқаро илмий-амалий конференция материаллари (ЎзДК Т. 2015).

**Қўшимча адабиётлар:**

1. http://www.kitob.uz

2.http://www.innovatsiya.uz

3. http://www.fikr.uz

4. http://www.arhiv.uz

5. http://www.iste`dod.uz